

Иқтисодийёт тармоқларини рақамлаштириш- натижавийлигини баҳолаш учун тегишли кўр-нинг инфратузилма таркибий қисмларининг саткичлар тизими таклиф этилди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Смит Р.С. Современная экономика труда. Теория и государственная политика. – М.: МГУ, 1996. – 800 с.
2. Маршалл А. (1842-1924) *Десять великих экономистов от Маркса до Кейнса Ten Great.*; Мальтус Т.
3. Кейнс Дж., Ларин К. Анталогия экономической классики. – М., 1993. – 486 с.
4. Макконнелл К.Р., Брю Стенли Л. Экономика: принципы, проблемы и политика. В 2-х т. пер.с англ. 11-го изд. Т.1. 1992. – 399 с.
5. Колесникова О. Об оценке эффективности работы службы занятости. // Человек и труд. 2002. № 3. С. 55-56.
6. Смирнов С. Методы оценки государственной политики занятости. // Вопросы статистики. 1998. №24. – С. 29-34.
7. Абдурахманов К.Х., Ҳайтов А.А. Меҳнат бозори ва аҳолини иш билан таъминлаш муаммолари. – Т.: РИА ТФ, 2010. – 72 б.
8. Абдувоҳидов А.М. Digital Development of Education and Universities: Global Challenges of the Digital Economy International Journal of Instruction. 2020/11/15.
9. Фуломов С.С., Шермухамедов А.Т. Development of digital economy in the republic of Uzbekistan. VII Uzbek – Indonesian Joint international scientific and practical conference “Innovative development of entrepreneurship” with the framework of scientific and research project “Global economic challenges and national economy development”. – Tashkent-Jakarta, 2018, September. P. 180-183.
10. Рўзиев А.О. Электрон тижорат. 1-қисм. Дарслик. 01.03.2021 й. № 110-309. ТМИ. – 375 б.
11. Махаммадиев М., Абдувоҳидов А. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. 6-сон, декабрь, 2020 йил. ISSN: 2181-1016.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Расулов Шавкат Шароф ўғли -
Жиззах политехника институти
ўқитувчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a36

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида бандлик кўрсаткичлари, ҳудудлар кесимида бандларнинг расмий ва норасмий секторлар, давлат ва нодавлат секторлар бўйича тақсимланиши, ишсизлик даражаси ва меҳнат билан банд бўлган фуқаролар, иқтисодий фаол ва бандлар тўғрисида таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: аҳоли бандлиги, давлат хизматлари, ижтимоий меҳнат, расмий сектор, норасмий сектор, банд аҳоли.

АНАЛИЗ ТЕКУЩЕГО СОСТОЯНИЯ ЗАНЯТОСТИ ТРУДОВЫХ РЕСУРСОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Расулов Шавкат Шароф ўғли -
Преподаватель Джиззакского
политехнического института

Аннотация. В данной статье рассматриваются аналитический анализ показателей занятости в Республике Узбекистан, приводятся данные о распределении занятости в формальном и неформальном секторах, государственном и частном секторах, уровне безработицы и численности занятых граждан, экономически активных и занятых.

Ключевые слова: занятость, общественные услуги, общественный труд, формальный сектор, неформальный сектор, занятая население.

ANALYSIS OF THE CURRENT STATUS OF EMPLOYMENT OF LABOR RESOURCES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Rasulov Shavkat Sharof ugli
Assistant teacher at the Jizzakh polytechnic institute

Abstract. This article discusses an analytical analysis of employment indicators in the Republic of Uzbekistan, provides data on the distribution of employment in the formal and informal sectors, public and private sectors, the unemployment rate and the number of employed citizens, economically active and employed.

Key words: employment, public services, social labor, formal sector, informal sector, employed population.

Кириш. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини юксалтириш нафақат иқтисодий соҳадаги, балки кўп жиҳатдан ижтимоий соҳаларда амалга ошириладиган ислохотлар билан бевосита боғлиқдир. Айнан инсон омили билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар, яъни инсонларнинг меҳнат соҳасидаги маънавияти, уларнинг билим ва илмий салоҳияти, қобилияти, иқтисодий фаоллиги кабилар иқтисодий тараққиёт, фаровонлик ва мамлакатлар хафсизлигини таъминловчи омиллар қаторидан биридир. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, Ўзбекистонда фуқароларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасида ижтимоий кафолатлар бериш ва аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилишни таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади [1].

Инсон омилидан самарали фойдаланиш эса мамлакатда амалга ошириладиган меҳнат муносабатлари ва бандлик соҳасидаги сиёсатга бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам демографик прогнозларнинг амалга ошириш жараёнини назорат қилиш ва меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган изчил сиёсат юритиш, меҳнат бозорини шакллантириш иқтисодиёт соҳасида яқин келажакдаги устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4939-сонли қарори билан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида Меҳнат бозори тадқиқотлари институти ташкил этилганлиги аҳолининг иш билан бандлиги масаласи давлат сиёсатининг муҳим устувор аҳамиятга эга эканлигини билдиради [2].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Аҳолининг иш билан бандлиги мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, илмий адабиётларда унинг ҳалигача тугал, ягона таърифи мавжуд эмас. Ўрганиладиган муаммонинг кўпгина жиҳатлари А.Смит, Д.Рикардо, Фр.Кенэ, А.Пигу, Дж.Кейнс каби классик иқтисодчиларнинг ишларида кўриб ўтилган.

Ҳозирги кунга келиб, иш билан бандлик масалалари кўплаб хорижлик ва ватанимиз олимлари томонидан ҳам тадқиқ қилинмоқда. Шунга қарамадан, аксарият ҳолларда, таърифларда ўзига хос ноаниқликлар, мазкур тушунча-

нинг ижтимоий қабул қилинган мазмунига тўлиқ мувофиқ тушмайдиган жиҳатлар мавжудлигини кузатиш мумкин. Жумладан, россиялик олим А.Я.Кибановнинг фикрича, “Иш билан бандлик ижтимоий-иқтисодий муносабатлар бўлиб, унга иш жойи қаерда бўлишидан қатъи назар инсонлар ижтимоий фойдали меҳнатда банд бўлиш учун ўзаро муносабатга киришадилар.

Иш билан бандликнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини учта жиҳатда: биринчидан, ҳар бир инсоннинг меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқини амалга ошириш нуқтаи назаридан; иккинчидан, умуман жамиятнинг ёки алоҳида олинган ҳар бир инсоннинг меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланиш нуқтаи назаридан; учинчидан, турли ижтимоий, демографик, касбий ва бошқа гуруҳларни ижтимоий меҳнатга ҳақиқатда жалб этилганлиги нуқтаи назаридан кўриш мумкин” [3].

Бошқа иқтисодчи олимлар Ю.Г.Одегов ва Г.Г.Руденколарнинг таъкидлашича, “Аҳолининг бандлиги меҳнатга лаёқатли аҳолининг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ бўлган фаолиятда банд бўлиш даражаси бўлиб, одатда, шу орқали меҳнат даромадига эга бўлиши тушунилади”[4]. Бу таърифларга кўра, иш билан бандлик меҳнатга лаёқатлиларнинг эҳтиёжни қондириш, қонуний хатти-ҳаракати ва даромад келтириш шартларига амал қилган ҳолдаги ҳар қандай фаолиятини билдирса, бошқа бир олимларнинг фикрича, “Банд аҳоли – ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фаолиятига жалб этилган аҳоли. Банд аҳоли таркибига: ёлланиб ишловчилар, тадбиркорлар, иш ҳақи олувчи шогирдлар; қисман банд бўлган уй бекалари ва талабалар; эркин касб эгалари; ҳарбий хизматчилар; оиланинг ёрдам кўрсатувчи аъзолари киритилади”[5]. Яъни мазкур таърифда иш билан бандлик ишловчиларнинг ижтимоий ҳолати бўйича келтирилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонунида таъкидланганидек, “Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ишлаб чиқариш ва ижодий меҳнат учун ўз қобилиятларига эгалик қилиш ва қонунчилик ман қилмайдиган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган. Меҳнатга ҳар қандай шаклда маъмурий мажбур қилишга йўл қўйилмайди. Кишиларнинг ихтиёрий банд бўлмаслиги уларни жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди” [6].

Иш билан бандликни ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида қуйидагича таърифлаш мумкин: “Иш билан бандлик – фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш билан

боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи ёки меҳнат даромади келтирадиган фаолиятдир” [7].

Фикримизча, иш билан бандлик икки томонлама хусусиятга эга бўлиб, бир томондан кишиларнинг меҳнатга бўлган эҳтиёжларини қондиришга ҳамда уларнинг даромад манбаига эга бўлишларини кўзда тутса, иккинчи томондан жамиятнинг макроиқтисодий тараққиётининг маҳсули сифатида иқтисодиётни ривожлантириш уйғунлашувининг оптималлигини назарда тутлади.

Тадқиқот методологияси. Мақолада иқтисодий тадқиқ этиш методологияси, тизимли таҳлил, монографик таҳлил, таққослаш, гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, иқтисодий-статистик каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Бандлик сиёсатининг пассив чораларидан (ишсизлик нафақаларини тўлаш) аҳоли бандлигига кўмаклашишга қаратилган фаол чора-тадбирлар доираси кенгайтирилмоқда. Айниқса, ёшлар, аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар ва кам таъминланган оилаларга микрокредитлар, иссиқхона ўрнатиш, уруғликлар, кўчатлар, паррандалар ажратиш, уларни касбга, шу жумладан, тадбиркорликка

ўқитиш, тайёрлаш орқали уларнинг иш билан банд бўлишлари ва даромад олишларига қаратилган барча зарур чоралар фаол амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда 2021 йил 1 октябрь ҳолатига меҳнат ресурслари 19,3 млн. киши (1-расм), жами иш билан бандлар 13,6 млн. киши, шу жумладан, иқтисодиётнинг расмий секторида 6,1 млн. киши (40,7%), иқтисодиётнинг норасмий секторида 5,9 млн. киши (39,6%), иқтисодий нофаол аҳоли 4,3 млн. киши, чет элда ишлаш учун кетганлар 1,6 млн. киши ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахслар 1,4 млн. кишини (9,4%) ташкил қилган.

Мамлакатимизда жами иш ўринларининг 90 фоизи хусусий секторда яратилишини ҳисобга олсак, мамлакатда қулай бизнес муҳитини шакллантириш, давлат корхоналарини хусусийлаштиришни жадаллаштириш, хусусий мулк ҳимоясини таъминлаш, бюрократия ва коррупция иллатларини баратараф этиш ва фақат тадбиркорликни ривожлантириш орқали иқтисодий ривожланишга эришиш мумкинлигини халқимиз онгига сингдириш муҳим аҳамиятга эгадир.




1-расм. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ресурслари кўрсаткичлари динамикаси (минг киши)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Норасмий бандликнинг юқори даражаси, табиийки, иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалигига тўғри келиб, бу соҳада банд бўлганларни расмийлаштириш ва ортиқча ишчи кучини эса бошқа соҳаларга ўтказиш бўйича кенг ишларни амалга оширишни тақозо этади (2-расм).

Ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун 68 та фаолият (ишлар, хизматлар) турлари тас-

диқланган бўлиб, уларни янада кенгайтириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Натижада, 2021 йил 1 июль ҳолатига 852,4 минг нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтказилди (шундан 310,1 минг нафарини 30 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ташкил этади) ва йил якунида уларнинг сони 1 млн. кишидан ошиши кутилмоқда.




2-расм. Норасмий бандларнинг иқтисодий тармоқлари бўйича тузилмаси, %

Манба: Меҳнат бозори тадқиқотлари институти маълумотлари.

Норасмий бандликни легаллаштириш мақсадида, айниқса, ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш ва уларнинг меҳнат стажини ҳисоблаш учун БҲМнинг 1 баравари миқдорида (270 минг сўм) ижтимоий солиқ тўлашлари белгиланди. Энг муҳими эса уларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари жисмоний шахслар жами даромадлари таркибига киритилмаслиги катта имтиёз бўлиб, бу расмий меҳнат фаолиятининг норасмийликдан афзал эканлигини таъминлайди.

Сўнгги йилларда норасмий бандлик даражасини камайтиришга қаратилган чора-тадбир-

лар натижасида унинг улушининг қисқариш тенденцияси кузатилмоқда (3-расм). Мамлакатимизда ўзини ўзи банд қилишни меҳнат ресурсларини бошқариш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг устувор йўналиши сифатида ривожлантириш лозим ва унинг потенциалидан ҳали тўла фойдаланилмаган. Меҳнат бозорида инклюзивликни таъминлаш, аҳолининг барча қатламларини меҳнат фаолиятига жалб қилиш, жумладан, ёшлар, аёллар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш билан бандлигига кўмаклашиш бандлик сиёсатининг муҳим қисми ҳисобланади.




3-расм. Иқтисодийнинг расмий секторида бандлар сонининг ўзгариши динамикаси (минг киши)

Манба: Меҳнат бозори тадқиқотлари институти маълумотлари.

Улар учун алоҳида дастур ва чора-дастурлар қабул қилиниши натижасида аҳолининг ушбу гуруҳларини меҳнат фаолиятига фаол жалб этишга эришилмоқда. 2021 йилнинг 1-ярим йиллиги бўйича жами иш билан банд-

ликда ёшларнинг улуши 31,3 фоизни, ишсизлик улуши эса 15,2 фоизни ташкил қилиб, ўртача ишсизлик даражасидан 1,55 марта кўплигини кўрсатмоқда (4-расм).



4-расм. Ёшларнинг бандлик ва ишсизлик кўрсаткичи динамикаси

Манба: Меҳнат бозори тадқиқотлари институти маълумотлари.

2021 йилда меҳнат бозори, профессионал стандартлар, тармоқ малакалар доиралари ва малака талабларининг ишлаб чиқилиши ҳамда янгилаб борилиши, малака ва билимларни баҳолаш миллий тизимининг халқаро миқёсда тан олинишини таъминлаш мақсадида Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича тармоқ ва ҳудудий кенгашлар ташкил этилди.

Аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш ва қайта тайёрлашнинг уч босқичли тизимини шакллантириш бўйича:

1) банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатувчи ҳудудий “Ишга марҳамат” мономарказлари;

2) мамлакатнинг барча ҳудудларида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфида туман ва шаҳар касб-ҳунарга ўқитиш марказлари;

3) маҳалла аҳолисини касб-ҳунарга ўқитиш масканлари ташкил этилган.

Хулоса ва таклифлар. Меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланишни таъминлаш учун куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш асосида иқтисодий ресурслар, шу жумладан, меҳнат ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланадиган хусусий корхоналар ташкил этишни давом эттириш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши, уларда янги иш ўринларини яратишни қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш;

– иқтисодийетимизни таркибий ўзгартириш, зарар келтириб ишлаётган корхоналарни тугатиш, фан-техника тараққиёти ютуқлари ва интенсив технологияларни жорий этиш ҳисоби-

га, асосан, юқори технологик ва даромадли иш ўринларини кўпайтириш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш ҳамда агросервис хизмати кўрсатиш ва шахсий меҳнат фаолияти бўйича иш жойларини яратиш;

– иш билан бандликнинг ноанъанавий шакллари ривожлантириш, аграр секторидagi ишдан вақтинча бўшаб қолган шахслар учун мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қайта таъмирлаш ҳамда янги иш жойларини яратиш мақсадида тўғридан-тўғри инвестициялар – сармоялар киритиш;

– касаначилик ривожланишини рағбатлантириш орқали кўп болали аёллар, меҳнатга лаёқатли пенсионерлар, ногиронлар, ўсмирлар ва бошқаларга мос иш жойларини вужудга келтиришга йўналтириш;

– муваққат иш жойларини яратиш ва мулкчиликнинг турли шакллари ривожлантириш;

– янги иш ўринларини яратишда корхоналарнинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш, бюджет тўловлари ва ходимларнинг вақтинча ва қисман бандлиги учун ижтимоий сўғурта бадалларини камайитириш, уларни ишга қабул қилиш жараёнини енгиллатиш, бандликнинг ноанъанавий шакллари ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатларини Бандликка кўмаклашиш фонди маблағлари ҳисобидан қисман бўлса-да қоплаш;

– Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши масалаларини ўрганишга, унда кечаётган жараёнларни чуқур таҳлил этиш ва уларни олдиндан прогнозлаш кабиларга алоҳида эъти-

борни қаратиш зарур. Бунинг учун эса аҳолини рўйхатга олиш мақсадга мувофиқ бўлади;

– вилоят туманларининг аҳолиси зич ҳудудлари ўрганилиб, ушбу ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурини тайёрлашда меҳнат ресурсларининг меҳнатга лаёқатли қисми ўрганилиб, уларни кўпроқ қайси соҳаларга

малакадан келиб чиқиб, шу соҳаларни ривожлантиришга қаратиш;

– тадбиркорликни амалга ошириш мақсадида ҳар бир ҳудуд марказларида кичик маслаҳат хоналарини ташкил этиш;

– меҳнат бўлимлари билан ташкилотлар ўртасида алоқани янада мустаҳкамлаш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. “Аҳолининг бандлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, 2-модда, www.lex.uz
2. Экономика и социология труда. Учебник. / Под ред. д.э.н., проф А.Я.Кибанова. – М.: Инфра-М, 2010. С. 75.
3. Одегов Ю.Г., Руденко Г.Г. Экономика труда. Учебник. – М.: Волтерс-Клувер, 2011. С. 631.
4. Язык бизнеса. Под общ. ред. В.А.Чжена. – Т., 1995. С. 159.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонуни. www.lex.uz
6. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: Mehnat, 2009. 223-б.
7. Толаметова З.А. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида меҳнат бозорини ривожлантириш йўналишлари. – Т.: Иқтисодиёт, 2014.
8. Тагаев Б., Матрасулов Д., Исмаилов И. Фаол бандлик сиёсати – иқтисодий барқарорлик ва кучли ижтимоий ҳимоя сифатида. Мақола. www.review.uz/ 29.11.2021.
9. Зуфарова Г. Демографик вазиятнинг меҳнат ресурсларининг иш билан бандлигига таъсири. Мақола. Иқтисод ва молия. 2015. 11-б.
10. Rasulov Sh.Sh. (2021). Analysis of economic reforms increasing labour resources in the republic of uzbekistan. *Academia: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(11), 390-396.



RESPUBLIKAMIZDA AHOЛИ DAROMADLARINING SHAKLLANISH MANBALARI

Ilyosova Dilbar Ismoil qizi -
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
“Statistika” mutaxassisligi 2-kurs magistri

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a37](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a37)

Аннотация. Ushbu maqola O'zbekiston Respublikasi aholi daromadlarining shakllanish manbalari darajasini statistik o'rganishga qaratilgan. Mamlakatimiz aholisining pul daromadlari va xarajatlarini statistik usullarda o'rganish, aholi turmush darajasini oshirishga ta'sir qiluvchi omillarni statistik baholash bo'yicha ilmiy-nazariy tavsiyalar va amaliy takliflar ishlab chiqilgan.

Калит so'zlar: ish haqi, daromad, moddiy yordam, nafaqa, naqd pul, meros solig'i, sug'urta to'lovlari, renta, dividend, turar joy.

ИСТОЧНИК ФОРМИРОВАНИЕ ДОХОДОВ НАСЕЛЕНИЯ В НАШЕЙ РЕСПУБЛИКЕ

Илёсова Дилбар Исмаил қизи -
Ташкентский государственный экономический университет
Магистр 2 курса по специальности «Статистика»

Аннотация. Данная статья направлена на статистическое изучение уровня источников формирования доходов населения Республики Узбекистан. Разработаны научно-теоретические и практические рекомендации по статистическим методам изучения доходов и расходов населения страны, статистической оценки факторов, влияющих на повышение уровня жизни населения.

Ключевые слова: заработная плата, доход, материальная помощь, пособие, денежные средства, налог на наследство, страховые выплаты, renta, дивиденды, жильё.

SOURCE FORMATION OF INCOME OF THE POPULATION IN OUR REPUBLIC

Ilyosova Dilbar Ismoil qizi -
Tashkent State Economic University
2-course Master of “Statistics” specialty

Annotation. This article is aimed at statistical study of the level of sources of formation of income of the population of the Republic of Uzbekistan. Scientific-theoretical recommendations and practical recommendations on statistical methods of studying the income and expenditure of the population of the country, statistical assessment of the factors influencing the improvement of living standards have been developed.

Keywords: salary, income, material assistance, pension, cash, inheritance tax, insurance payments, renta, dividend, accommodation.